

## ТАШҚИ САВДО ЖАРАЁНИДАГИ МУАММОЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 февраль куни ташқи иқтисодий фаолият тизимини ислоҳ қилиш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида ташқи савдо билан боғлиқ назорат тизими ва инфратузилмани яхшилаш, жумладан, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, божхона постларида назоратни амалга оширадиган божхона, санитария, карантин, ветеринария ва бошқа идоралар фаолиятини ислоҳ қилиш лозимлигини таъкидлаган эди.

Бу соҳада озоқ йиллардан буён тизимли ишлар олиб борилмагани ташқи савдо амалиётида муайян қийинчиликлар туғдирмоқда. Жаҳон банкининг "Бизнес юритиш" рейтингида "Халқаро савдо" йўналиши бўйича мамлакатимиз 190 та давлат орасида 152-ўринда қайд этилгани ҳам шундан далolat беради.

Йиғилишда мазкур рейтингда мамлакатимиз позициясини яхшилаш, жаҳон тажрибаси асосида назорат идораларининг ишини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Маълумки, кўплаб давлатларда юклар чегарага етиб келмасидан олдин улар ҳақида ахборот берилиб, юкнинг тез чиқиб кетиши таъминланади. Ўзбекистонда эса ўтган йили

416 мингта декларациядан атиги 344 таси юк чегарага келгунча расмийлаштирилган. Юк тўғрисида олдиндан маълумот бериш автомобиль транспортида 98 фоизни ташкил этса, темир йўлда умуман йўлга қўйилмаган.

Шу боис назоратни чегарада эмас, балки юклар кириб келишидан олдин ёки мамлакат ичкарасида эркин муомалага чиқарилгандан кейин амалга ошириш тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Бугунги кунда 1 минг 836 турдаги товар бир вақтда учта идора томонидан текширилиши, оқибатда импорт-экспорт ҳужжатларини расмийлаштириш ҳафтаб-ҳафталик бўлиб қўйилди. Божхона, ветеринария, карантин, санитария, стандарт, экология идоралари иш услубини ўзгартириши, уларнинг асосий вазифаси маҳсулотлар экспортини қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиши зарурлиги қайд этилди.

Товарларнинг божхона қийматини тезкор аниқлаш имконияти бўлмагани, тадбиркор тўлов қилиб ўша заҳоти маҳсулотини олиб кетадиган, бунга аниқлик киритилгандан кейин фарқни тўлайдиган тизим жорий

этиш муҳимлиги таъкидланди.

Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасига халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, янги Божхона кодексини ишлаб чиқиш, божхона органлари ташкилий тузилмаси ва маъмуриятчилигини такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ходимлари экин майдонларига чиқиб, хорижий мамлакатларнинг кимёвий ва биологик воситаларни қўллаш бўйича талабларини деҳқонларга тушунтирадиган, амалий кўмак берадиган тузилмага айланиши лозимлиги қайд этилди.

Президентимиз рақамли технологияларни жорий қилиб, инсон омиллини максимал қисқартириш орқали коррупция ва ноқонуний товар айланмасига барҳам бериш зарурлигини таъкидлади.

Импорт маҳсулотларининг чегарадан то охиригача истеъмолчигача бўлган ҳаракати божхона ва солиқ идоралари томонидан ягона электрон тизим орқали назорат қилиниши керак. Мисол учун, божхона декларациясини электрон ҳисоб-фактура ва онлайн назорат

кассасига боғлаш орқали бу масалани ҳал этиш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга рухсатнома ва лаборатория текширувлари ҳужжатларини тўлиқ рақамлаштириш, автоматлаштирилган "риск-анализ" тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда юкларни чегара пунктларидан ўтказиш вақтини қисқартириш масаласи атрофича муҳокама қилинди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўнгги 3 йилда қўшни давлатлар билан чегара орқали ўтган инсонлар сони 2 баробар, транспорт воситалари сони қарийб 3 баробар ошган. Лекин ҳозирги инфратузилма бундай талабга тўла жавоб берайди. Масалан, айрим ветеринария ва карантин пунктларида зарур жиҳозлар йўқ. Чегарадаги санитария ва эпидемиология хизмати ҳам ташқи хавфларга тайёр эмас.

Юклар оқимини тақсимлаш ишлари оқилонга ташкил этилмаган. Божхона хизматиде постларни масофадан назорат қилиш тизими – Ситуацион марказ йўқлиги оқибатда постларда тирбандликлар пайдо бўлмоқда. Бу тадбиркорлар учун

ҳам, давлат бюджети учун ҳам ортиқча харажат келтириб чиқармоқда.

Шу боис мутасаддиларга чегара постларини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, жорий йил 1 октябрга қадар Ситуацион марказни ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди. Шунингдек, чегарадош давлатлар билан юкларни "бир бекатда текшириш" тизимини йўлга қўйиш лозимлиги қайд этилди.

Ташқи савдо назорати идоралари чет эллардаги ҳамкасблари билан яқиндан ишлаб, тажриба алмашиши, уларнинг текширув-синов лабораторияларини юртимизда ташкил этиб, товарларни хорижий талабларга мос рухсатномалар билан жўнатишни йўлга қўйиши зарурлиги таъкидланди.

Ташқи иқтисодий фаолият жараёнини соддалаштириш учун миллий қонунчиликни божхона, санитария-эпидемиология, транспорт, стандарт, ветеринария, карантин йўналишларидаги халқаро келишувларга уйғунлаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда кадрлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Божхона институтда ўқитиш жараёни замон талабига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш бўйича фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, ветеринария ва карантин ходимларини халқаро андозалар асосида қайта тайёрлаш муҳимлиги қайд этилди. Халқаро божхона ташкилоти билан эришилган келишувга мувофиқ кадрлар салоҳиятини ошириш борасидаги ишларга тўхталиб ўтилди.

Кун тартибидеги масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

Ў.А

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИ СИФАТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ҚУРИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қурилиш-монтаж ишлари сифатини янада ошириш, қурилиш соҳасидаги назорат қилувчи инспекциялар ролини кучайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги "Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5577-сон Фармонида мувофиқ:

1. Қурилиш вазирлиги, Иқтисодий ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмасининг 2020 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш объектлари (кейинги ўринларда – объектлар) учун хавф-хатарлар тоифалари ва объектларнинг функционал мақсадларидан келиб чиққан ҳолда давлат қурилиш назоратининг такомиллашган янги тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қурилиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламентни тасдиқлаш тўғрисидаги ҳуқуқат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

объектларнинг лойиҳа ҳужжатларини экспертиза қилишга, объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш тартиби ва даврийлиги қўйилмаган табақалашган талабларни уларнинг хавф-хатарлар тоифаси ва функционал мақсадларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш;

қурилиш якунланганидан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари қошидаги қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари (кейинги ўринларда – ҳудудий инспекциялар) томонидан объектнинг қурилиш соҳасига оид қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини инструментал техник текширувдан ўтказишни жорий қилган ҳолда, хавф-хатар тоифаси паст ва яққа тартибдаги уй-жой қурилиши объектлари учун лойиҳа ҳужжатлари экспертизаси, муаллифлик назорати ва давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича мажбурий талабларни бекор қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси (кейинги ўринларда – Инспекция) ва ҳудудий инспекциялар инспекторларига, шунингдек, хавф-хатар тоифаси юқори бўлган объектларда техник ва муаллифлик назоратини амалга оширувчи шахсларга қўйилмаган малакавий талаблар ва уларнинг жавобгарлигини кучайтириш;

"Қурилишдаги назорат" қуйи тизимини 2020 йил 1 июндан бошлаб Тошкент шаҳрида синон тарихида ишга туширган ҳолда, 2020 йил давомида "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида давлат қурилиш назоратини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан, электрон ҳужжат алмашинувини босқичма-босқич жорий этиш.

(Давоми 2-саҳифада)

### МУНОСАБАТ

Президентимизнинг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида мамлакатимизнинг янги тараққий ёлдида эришган ютуқ ва натижалари таҳлил қилиниб, олдимизда турган вазифалар белгилаб берилди. Иқтисодий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш, ҳаётимизни тубдан ўзгартиришга қаратилган бу дастурий йўналишлар нафақат 2020 йил, балки келгуси беш йилга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

### Ҳаётимизни яхши томонга ўзгартириш ўз қўлимизда

Педагог эмасманми, таълим соҳасидаги ўзгаришлар, бу тизимда амалга оширилган кенг қўламли ишлар эътиборимни тортмай қолмади. Ўзингиз уйланг, атиги охириги бир йил ичида 19 та янги олий ўқув юрти, шу жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали очилгани ҳазилакам иш эмас. Бундан ташқари, етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Шу маънода, 2020 йилга мамлакатимизда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили", деб ном берилганининг замирида ниҳоятда улкан мақсад-муддаолар мужассам, десам, хато бўлмайди.

Зотан, давлатимиз раҳбари талаб қилаётганидек, ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак. Ҳаётимиз ва жамиятимизни фақат яхши томонга ўзгартириш эса ўз қўлимизда.

Иродаҳон КАРИМОВА,  
Ўзбекистон Миллий университети  
биология факультети фалсафа доктори (PhD).



Ишсизлар ишли, ерсизлар ерли бўлади

Наманган вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров ташаббуси билан "Наманган" эркин иқтисодий зонасининг Чуст туманида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

– Тадбирнинг "Наманган" эркин иқтисодий зонасида ўтказилгани бежизга эмас, – дейди вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Д. Жумабоев. – Вилоят саноат ишлаб чиқаришининг локомотивига айланиши кутилаётган, Чуст ва Тўрақўрғон

туманларини қамраган иқтисодий зонада бугунги кунда умумий қиймати 518 миллион доллардан зиёд бўлган ва 5 мингдан кўпроқ иш ўрни яратиш имкониятини очадиган 14 та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда)



Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси (кейинги ўринларда – Инспекция) ва ҳудудий инспекциялар инспекторларига, шунингдек, хавф-хатар тоифаси юқори бўлган объектларда техник ва муаллифлик назоратини амалга оширувчи шахсларга қўйилмаган малакавий талаблар ва уларнинг жавобгарлигини кучайтириш;

"Қурилишдаги назорат" қуйи тизимини 2020 йил 1 июндан бошлаб Тошкент шаҳрида синон тарихида ишга туширган ҳолда, 2020 йил давомида "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида давлат қурилиш назоратини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан, электрон ҳужжат алмашинувини босқичма-босқич жорий этиш.

(Давоми 2-саҳифада)

### Фарғона вилояти

### "ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ" ДА ЯНГИ ГАПЛАР

"Сирдарё-Сўх" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасида зах қочирадиган ва экинларни суғоришда ишлатиладиган тик қудуқлар тўлиқ масофадан туриб ёки телефон орқали бошқариладиган бўлмоқда.

### Тик қудуқлар телефонда бошқарилади

Бу қурилмани тажрибали мутахассислардан Орғидали Мамажонов билан Ҳалимиддин Қўлиддиновлар биргаликда яратдилар. Созлаш ва ўрнатиш ишларини Алишер Аминов бажарди.

– Вилоят қишлоқ ҳўжалигида тик қудуқларнинг аҳамияти жуда катта, – дейди "Сирдарё-Сўх" ИТХБ ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиғи Абборжон Жолқов. – Лекин зарур пайтда ишлатиш ва зарур бўлмаганда ўчириш учун анча вақт сарфланади. Бу ишга бириктирилган мутахассисимиз битта қудуқни ўчириб, иккинчисига ўтгунча баъзан соатлаб вақт сарфлайди. Шу орада ортиқча электр манбаси сарф-

ланишига йўл қўйилади. Бу қурилма ишга туширилгандан кейин навбат билан барча қудуқларни санокли дақиқаларда тўхтатишга эришаемиз. Йилнинг биринчи чораги давомида жами 45 та тик қудуққа бу янгиликни жорий этиш мўлжалланган.

Ҳадемай, улар ишлатила бошланади. 41 минг гектар ерни суғорадиган 923 дон, 55 минг гектар ернинг захини қочирадиган 1218 та тик қудуғи бундан буён пулът ёрдамида ёки мутахассиснинг телефони орқали бошқарила бошлайди.

"Сирдарё-Сўх" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси матбуот бўлими.

## ...Энди Ғўзанинг тоғига сув қуямиз

Бу киноя эмас. Чунки ғўза тупроқ остидан суғорилса, сув тежалиб, иқтисодий самарадорлик ортади

Бугунги кунда бутун дунё олимлари сувдан оқилонга фойдаланиш учун бош қотирмоқда. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Йўқса, шу олимларнинг ўзи ҳам сувсиз қолади. Айниқса, экин ерларини суғоришда тежамкор технологияларни жорий қилиш долзарб вазифа бўлиб турибди.


Қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази тизимидаги Қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти илмий ходими Зубайда Исоқова бу борада илмий янгилик яратиб, "Ғўза қатор ораларида суний қувур ҳосил қиладиган иш органи параметрларини асослаш" мавзусида илмий ишни муваффақиятли ҳимоя қилди. Ҳа, бугунгача ёқланган илмий

ишлар кам эмас. Аммо бу тадқиқот бошқача бўлди. Олимнинг тадқиқоти натижасида ғўзани қатор орасида суний қувур пайдо қилиб суғориш усули яратилди. Ана буни янгилик, деса бўлади.

– Маълумки, пахта етиштиришдаги асосий агротехник тадбирларидан бири уни ўз вақтида суғоришдир, – дейди техника фанлари бўйича фалсафа доктори Зубайда Исоқова.

– Ҳозирда асосий майдонларда ғўза анъанавий усулда, яъни эгат орқали суғориллади. Ушбу суғориш усулида сувнинг бир қисми буғланади ва тупроқнинг пастки қатламларига беҳуда шимилиб кетади. Ғўза эгатлар орқали суғорилганда эгатларга сув бир хил мезъерда таралсада, экинзорнинг ҳамма жойи бир вақтда ва бирдай тобга келмайди.

(Давоми 3-саҳифада)



1- олд томони ўткирилган устун, 2-искана, 3-тортувчи сим арқон, 4-суний қувур ҳосил қилгич

Хуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар берилади

Замин фарзандига эҳтиром Уни ҳурмат билан эслашади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИ СИФАТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ҚУРИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

2. Инспекция ва ҳудудий инспекцияларга давлат қурилиш назоратини амалга ошириш доирасида:

бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётга таҳдид солувчи конструктив хуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатларда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туриш ва демонтаж ишларини амалга оширишни талаб қилиш;

юридик ва жисмоний шахсларга объектдаги хуқуқбузарликларни бартараф қилиш учун мис равишда, бироқ 60 кундан ортиқ бўлмаган муддатни белгиланган ҳолда, аниқланган хуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатларни тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш масалаларини ҳал қилиш юзасидан тегишли органлар ва ташкилотларга тақдирномалар юбориш;

объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётга таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар қўлланилган аниқланган ҳолларда, қурилиш материаллари ва буюмлар ишлаб чиқариш, сотиш ва қўлашни тўхтатиб туриш ҳақида тегишли орган ва ташкилотларга тақдирномалар юбориш ҳуқуқи берилсин.

3. Куйидагилар: а) 2020 йил 1 мартдан бошлаб бюджет тизимидagi бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган объектлардан ташқари капитал таъмирлаш объектларида давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича талаблар; б) Инспекция ва ҳудудий инспекциялар томонидан қурилиши тугалланган объектлардан фойдаланишга рухсат бериш тартибини жорий қилган ҳолда, уларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича мавжуд тартиб-таомиллар куйидаги муддатларда босқичма-босқич бекор қилинсин:

молиялаштириш манбаларидан қатъи назар хавф-хатар тоифаси паст объектлар учун – 2020 йил 1 майдан; давлат харидлари субъектларининг маблағлари ҳисобига молиялаштирилган объектлар учун – 2022 йил 1 январдан;

бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилган объектлар учун – 2021 йил 1 январдан.

4. Белгилансинки, объектларни фойдаланишга қабул қилиш учун рухсатномалар бериш тартиби татбиқ қилинганга қадар Инспекция ва ҳудудий инспекциялар қурилиши тугалланган объектларни (давлат харидлари субъектларининг маблағлари ҳисобига молиялаштирилган объектлардан ташқари) фойдаланишга қабул қилиш жараёнига давлат санитария назорати ва давлат ёнгин назорати ҳудудий

органларини жалб қилади ҳамда улар объектларни қабул қилиш муддатлари доирасида Инспекция ва ҳудудий инспекцияларга объектнинг санитария нормалари ва ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой муддатда қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилишга ҳудудий инспекцияларнинг давлат санитария ва ёнгин назорати ҳудудий органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин.

5. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб давлат қурилиш назорати амалга оширилиши шарт бўлган барча объектлар бўйича ҳудудий инспекцияларга ажратмалар қурилиш-монтаж ишлари қийматида 0,2 фоизга тенг ягона миқдорда (кўшимча қиймат солиғисиз) белгиланади ва куйидаги тартибда тақсимланади:

0,02 фоизи Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда – Жамғарма), шу жумладан, 0,01 фоизи – Инспекция ва унинг ҳудудий инспекциялари эҳтиёжларини молиялаштиришга йўналтирилади;

0,18 фоизи ҳудудий инспекциялар ихтиёрида қолдирилади.

9. Жамғарма маблағларидан куйидаги мақсадларда фойдаланишга рухсат берилсин: Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Инспекция ва уларнинг ҳудудий бўлиналари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

Инспекция ва ҳудудий инспекцияларнинг жорий ва бошқа харажатларини молиялаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Инспекция ва уларнинг ҳудудий бўлиналари ҳодимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Инспекция ва уларнинг ҳудудий бўлиналари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

10. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Қурилишда стандартлаштириш республика маркази ҳузурида объектлар конструкциялари, қурилиш материаллари ва буюмларини халқаро стандартларга мувофиқ тўлақонли синовдан ўтказишни амалга оширувчи Комплекс қурилиш синов лабораториясини (кейинги ўринларда – Комплекс лаборатория) ташкил қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг тақлифи маъқуллансин.

Комплекс лабораторияни ташкил қилиш ва жиҳозлаш бўйича ишларни молиялаштириш манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 2020 йилда ажратиладиган 20 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдордаги маб-

лағлар ҳамда етмайдиган қисми учун – Жамғарма маблағлари белгилансин.

11. Куйидагилар: Қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш объектлари конструкциялари, қурилиш материаллари ва буюмлари бўйича Комплекс қурилиш синов лабораториясини томонидан ўтказиладиган синовларнинг асосий йўналишлари 3-иловага мувофиқ;

Комплекс қурилиш синов лабораториясини жиҳозлаш учун харид қилинадиган асосий ускуналар, машина ва механизмлар рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. 2020 йил 1 мартдан бошлаб Инспекция ҳодимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари 1,4 баробарга оширилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

а) маблағдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда: икки ой муддатда Инспекция ва ҳудудий инспекциялар тўғрисидаги, шунингдек, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги қурилиш назоратини амалга оширувчи мутахассислар сертификациядан ўтказиш тартибини таъминлаш; б) бир ой муддатда Жамғарма маблағлари ва ҳудудий инспекциялар маблағлари ҳисобидан 2020-2021 йилларда ҳудудий инспекцияларини замонавий мобил кўчма қурилиш лабораториялари билан жиҳозлаш дастурини тасдиқласин;

2020 йил 1 июнга қадар ички назоратни, муаллифлик ва техник назоратни, шунингдек, объектлар устидан давлат қурилиш назоратини амалга оширувчи мутахассислар сертификациядан ўтказиш тартибини таъминлаш;

в) Инспекция ва ҳудудий инспекциялар ҳодимларининг доимий равишда, шу жумладан, чет элда малака ошириш ва кейинчалик ҳар бир ҳудудий инспекциядаги ҳодимлар учун мажбурий тренинглар ўтказиш тартибини ташкил қилсин;

г) Жамғарма маблағлари ҳисобидан Инспекцияни мебель, инвентарь, ускуналар ва қўйилган вазибаларни самарали бажариши учун зарур бўлган бошқа воситалар билан таъминласин, шу жумладан, 3 зона хизмат енгил автотомобил ажратсин;

д) 2020 йил 1 августга қадар халқаро молия институтлари ва ташкилотларини ҳамда малакали хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, давлат органларининг самарасиз ва ортиқча функцияларини бекор қилиш, шунингдек, илгор хорижий тажриба асосида ушбу жараёнга хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилишни на-

зарда тутган ҳолда, қурилиш устидан назорат механизмлари самардорлигини янада ошириш бўйича тақлифларни киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича муқаддас тақдим этиладиган маълумотлар рўйхатини кўрсатган ҳолда давлат органлари ва Инспекция ўртасида идораларо электрон ҳамкорликни ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

15. Инспекция Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 6-уй манзилида бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда ҳудудий инспекцияларни жойлаштириш учун бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида бинолар ажратиб берилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги маблағдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

18. Мазкур қарор ижросини назорат қилишнинг куйидаги тартиби ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов – мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштирсин, ҳар ойда бажарилган ишлар тўғрисида уларнинг раҳбарлари ҳисоботларини қабул қилсин ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

қурилиш вазири Б.И.Закиров – мазкур қарорнинг сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши бўйича барча зарур чоралар қурилишини, мазкур қарорни ўз вақтида ижро этишда масъул ташкилотларга ҳар томонлама услубий ва амалий ёрдам берилишини таъминласин, шунингдек, ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматовга унинг амалга оширилиши жараёни тўғрисида батафсил маълумот тақдим этсин;

қурилиш вазирининг ўринбосари – Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси бошлиғи К.Н.Тўлағанов – давлат қурилиш назоратининг тақомиллашган янги тартибини жорий этиш, Инспекция ва ҳудудий инспекциялар фаолиятига замонавий аxbорот-коммуникация технологияларини босқичма-босқич татбиқ қилиш бўйича ишлар сифатли ташкиллаштирилишини, шунингдек, ушбу қарорни амалга ошириш давомида юзага келадиган жорий масалалар тезкорлик билан ҳал этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 5 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ЭТИШ ЖАЗОСИНИ ЎТАЁТГАН, ҚИЛМИШИГА ЧИН КЎНГИЛДАН ПУШАЙМОН БЎЛГАН ВА ТУЗАЛИШ ЙЎЛИГА ҚАТЪИЙ ЎТГАН БИР ГУРУҲ ШАХСЛАРНИ АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан биллиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган жазо муддатини ўтаётган 58 нафар афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 41 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, 3 нафарига тайинланган жазо ёнгилроқ жазо билан алмаштирилади, бир сўз билан айтганда, 44 нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинмоқда. Шунингдек, 14 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг 2 нафарини аёллар ташкил этади.

Бу воқеа юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг, халқимизга хос баргиреклик, кечиримли бўлиш, олижаноблик ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби эзгу фазилатлар намён бўлганлигининг амалий ифодасидир.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдаланган таълим билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш юзасидан масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

Самарқанд вилояти

Ерга бўлган меҳри қумларни ҳам эритган

Фидойилик, жонқуярлик, меҳнаткашлик ва эзгулик. Бундай ҳислатлар улкан қалб, чуқур тафаккур соҳиб бўлган чин одамларгагина хосдир. Эшқувват Болтаев ана шундай бағри денгиз инсонлардан биридир. У 1934 йил Самарқанд вилояти Қўшработ тумани Мулла Олим қишлоғида таваллуд топган. Болалиги очарчилик, уруш йилларига тўғри келди. Эшқувват ака ана шу мураккаб даврни мурғаклигидаёқ англаб, оиласига эш бўлди, меҳнат қилди, ҳаёт синовларида суяги қотди, тобланди. 1952 йилда оиласи билан Пайариқ туманига кўчиб келди. Табиийки, мактабини ҳам ўзгартиришига тўғри келди. Орадан бир йил ўтиб шу даргоҳни тамомлади.

Ўқишни тугатиб яна турмуш ташвишларига шўнғиб кетди. У қишлоқ хўжалиги соҳасида участка бригадаси бошлиғи лавозимига иш бошлади. Бинобарин, олдида қандай залворли ишлар турганини яхши ҳис қиларди. Ҳалоллиги, олижаноблиги, тиним билмаслиги туфайли тезда тилга тушиб, илгорлар сафига қўшилди.

Эшқувват ака ўзи тугилиб ўсган Ватанинг ҳар қарич туп-

роғини муқаддас билиб, уни обод қилишни оруз қиларди. Шунинг учун 1961 йилда Мирза-чўли ўзлаштириш жараёнига қўшилди. У мазкур юмуш осон эмаслигини, кумлар, барханларни буйсундириш, одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган шароитларда ишлашнинг ўзи бўлмаслигини яхши тушунарди. Аслида инсон қатъияти, иродаси, сабру матонати айнан шундай паллаларда намоён бўлади. Эшқувват

Болтаев ана шу фазилатлари кўмағида ҳамроҳлари билан ёнғимарди, белни маҳкам боғлади. Ерга бўлган меҳр кумни ҳам эритди. Ерга томган тер тузни ҳам қочирди. Қисқа вақт ичда 80 гектар, ундан кейин 1200 гектар ҳудуд экин майдонига айлантирилди, керакли ҳосил олинди.

Билаги зўр бирни, билими зўр мингни ёнгар, деган нақлга амал қилган Эшқувват ака олға интилишда давом этди. 1963 йилда

Яхшилардан қолур мудом яхши ном!

атрофидагилар нафақат улкан ҳаёт мактабига эга учунлиги, балки одоб-ахлоқи, одамийлиги, самимийлиги, талабчанлиги учун ҳурмат қиларди. Эшқувват ака ушбу лавозимда 1972 йилгача ишлади. Шундан сўнг яна қадрдон далагарига, боғу роғларига, пайкалларига қайтди...

“Ер билан тиллашиб, унинг қалби эшикларини очган, уни тушунган инсон дунёни тушунади, – дерди Эшқувват ака. – Ерга ноҳақлик қилган, уни алдаган одам ўзини, оиласини алдайди. Ер ҳам тирик жон. У билан қанчалик дўстлашсанг, самимий “тап-лашсанг” шунча барака кўрасан. Бу ўғитларимга шогирдларим ҳам риоя этишига ишонаман”

... 2016 йил. Шафқатсиз ўлим фидойи, жонқуяр инсон, ҳақиқий меҳнаткаш миришкор бўлган Эшқувват Болтаевни орамиздан олиб кетди. Ер фарзанди она тупроқ бағрига қайтди. Унинг номи, хотираси, пайду насихатлари яқинлари, шогирдлари, ҳамюртлари қалбига мангу яшайди.

Пардабой ҲАЙТОВ

Ишсизлар ишли, ерсизлар ерли бўлади

(Боши 1-саҳифада)

Меҳнат ярмаркасида эркин иқтисодий зона ҳудудида фаолиятини бошлаган корхоналар билан бир қаторда Чуст, Поп, Тўрақўрғон туманлари ҳамда Наманган шаҳридаги кўлаб хўжалик юритувчи субъектлар 1 минг 500 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Ярмаркага жалб этилган ишсиз фуқароларга иш бевувилар томонидан ўз корхоналарининг фаолият йўналиши, у ерда ишловчилар учун яратилган меҳнат шароитлари ҳамда ижтимоий муҳофазата таъминоти ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, тадбир қатнашчилари эркин иқтисодий зона ҳудудида фаолият кўрсатаётган корхоналардаги иш жараёни билан бевосита таништирилди.

Дастлабки тезкор маълумотларга кўра, меҳнат ярмаркасида икки юз нафардан зиёд ишга йўлланма берилди.

Шунингдек, тумандаги 115 нафар ёш ишсиз оилага 30 сотихдан ер доимий фойдаланиш учун ва ҳар бир ер эгасига давлат томонидан дастлабки экин экиш учун 2 миллион 500 минг сўмдан қайтарилмайдиган моддий ёрдам сифатида маблағ ажратилди. Шу кунги дастлабки ўндан зиёд оилага ер ажратилганлиги тўғрисидаги сертификатлар топширилди.

Бундан ташқари, сувсизлик туфайли фойдаланишдан чиққан 76 гектар ер майдонига “Машҳад Сумбула” фермер хўжалиги негизда қишлоқ хўжалиги кооперацияси ташкил этилди. Фермер хўжалигига тақдим этилган 8 фоизли имтиёзли кредит ҳисобидан ер майдонини суғориш учун етарли сув билан таъминлаш қувватига эга артезиан қудуқлар қазилди.

Барча майдонларга “Машҳад Сумбула” фермер хўжалиги билан келишган ҳолда бир турдаги экин экилади ҳамда етиштирилган ҳосил фермер хўжалиги томонидан бозор нархларида сотиб олинади.

Акромжон САТТОВОВ, ЎЗА мухбири.

Тадбиркор оила барака топмоқда  
Куёнчилик – кони фойда

Қишлоқда саноат ривожини суғурт  
Бунга нима тўсиқ бўлмақда?

# ...Энда ғўзанинг тағига сув қуямиз



жорий этиш бўйича тавсиялар берилди. Суғориладиган типик бўз тупроқли ерларда ўтказилган тажрибаларда одадатда суғоришга нисбатан нафақат сув тежалган, ғўза қатор ораларига ишлов бериш сони камайиши ҳисобига

ёнилғи-мойлаш материаллари сарфи ҳамда қатор ораларида бегона ўтларнинг униб чиқиши ва тупроқ ювилиши камайган, намлик кўпроқ сақланган, ҳосилдорлик ортган. Бунгача ПСУЕАИТИ олимлари

томонидан тупроқ ичида сунъий қувур ҳосил қиладиган иш органининг тажриба нусхалари тайёрланган ва бир қатор тажрибалар ўтказилган. Аммо сунъий қувур ҳосил қиладиган ишчи органининг параметрларини асослаш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмаган эди.

Ушбу масалага ечим топиш мақсадида илмий муассасада изланишлар олиб борилди ва ижобий натижага эришилди.

**Ҳўш, сунъий қувур қандай қилиб ҳосил қилинади? Ушбу саволга тадқиқот муаллифи шундай жавоб беради:**

– Сунъий қувурлар ҳосил қилиш учун суғоришдан олдин иш органи қатор оралатиб культиватор орқа грядилларига эгат очигилар ўрнига маълум чуқурликка сошлаб, қувур ҳосил қилувчи иш органи ўрнатилади ва сунъий қувурлар қатор оралатиб трактор гилдираги юрмаган эгатларда

ҳосил қилинади.

Бунинг учун "ТТЗ-80.11" тракторига осилган "КХУ-4Б" культиватори олд ва орқа грядилларига ясси кесувчи панжалар ўрнига ўқ бўйича 22-25 см. чуқурликка сошлаб сунъий қувур ҳосил қиладиган иш органини ўрнатилади.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида "Yangiyo'-Agromash" МЧЖда сунъий қувур ҳосил қиладиган иш органининг тажриба нусхалари тайёрланди.

Тадқиқот бўйича тажрибалар Қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг тажриба хўжалиги, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агро-технологиялари илмий-тадқиқот институтининг Наманган вилоятидаги тажриба станцияси ва Тўрақўрғон туманидаги фермер хўжалиқларида ўтказилди.

Тадқиқот муаллифининг маълум қилишича, ғўзалар ушбу усулда суғорилганида меҳнат сарфи 40 фоизга ва 1 гектар майдонга сарфланадиган эксплуатацион харажатлар 20,4 фоизга камайиши ҳисобига эгат орқали суғорилганига нисбатан 7425274 сўм иқтисодий самара олинди.

**Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ,**  
"Qishloq hayoti" мухбири.

Мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномаси менда катта таассурот қолдирди.

## Иқтисодий юксалиш омили

Қўйилган вазифалар ҳозирги замон билан ҳамнафас, кўп йиллардан бери халқимизни ўйлантириб, қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади. Бу ўз навбатида, Ўзбекистонда халқ манфаати ҳар нарсадан устунлигини кўрсатади.

Бугунги кунда илм-маърифат орқали барча соҳаларни ривожлантираётган давлатларгина тараққиётта эришаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу нуқтага назардан, болаларга билим ва тарбия беришдан иқтисодий ривожлантиришга қадар бўлган барча ислохотларда илм-фан ютуқларига таянишгагина, юксак мақсадларга эришиш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шунинг учун, турли соҳалардаги фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун грант маблағлари ажратиш механизмининг такомиллаштириш ҳамда илм-фан ютуқларининг электрон майдонини яратиш, замонавий ишланмалар базасини шакллантириш муҳим вазифалар сифатида белгиланди.

Республикаимизда ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш соҳасида тизимли ишлар қилинмоқда. Лекин шиддат билан ривожлантирилган даврда замон билан ҳамнафас бўлиш учун доимий изланиш, ангилликка интилиш ва инновацион гояларни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу авваламбор, иқтисодий тизимини янги асосларда тараққий эттириш, унинг барча соҳаларига ахборот технологияларини жорий этиш ва шу асосида рақамли иқтисодий ривожлантиришни тақоза этади.

Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, унинг учун ёш кадрларни тарбиялаш, "бир миллион дастурчи" лойиҳасини амалга ошириш давлат бошқаруви тизимини замонавий усуллари қўллашга, бюрократик бошқарувдан буткул қутилишга хизмат қилади.

Республикаимиз ҳудудларида "IT парк"ларининг ташкил этилиши келажақда барча соҳаларда "рақамли асосда" давлат хизматлари кўрсатишидан дарак беради. Шу билан бирга, дунё бозорларида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни, шу жумладан, дастурий маҳсулотларни электрон майдонлар орқали сотиш имкониятини яратди ҳамда хизмат кўрсатиш экспортини янги даражага олиб келиши шубҳасиздир.

"Узагросуғурта" АЖ тизимини ахборот технологияларини ривожлантириш, аҳолимизга, биринчи навбатда, ёшларга, тадбиркор ва фермерларимизга электрон хизмат кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Мисол учун, 2020 йилда жамиятимиз олдига турган муҳим вазифалар қаторига суғурта хизматларини электрон асосда амалга ошириш, барча ҳисоботларнинг қоғоз шаклидан воз кечиб, уларни электрон дастур асосида шакллантириш ва умумлаштириш, халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ва молия ҳисоботларидаги ўтиш масалалари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, тизимда фаолият кўрсатаётган ёш мутахассисларни чет элларда ўқитиш ва малакасини ошириш ҳам устувор вазифаларимиздандир.

Ўйлаймизки, Мурожаатномада таъкидланган муҳим вазифалар, хусусан, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш каби муҳим вазифаларини амалга оширишга "Узагросуғурта" АЖ ҳам ўз ҳиссасини қўшади.

**Сарвар ОТАМУРАТОВ,**  
"Узагросуғурта" АЖ Бошқаруви раиси.

Наманган вилояти

## Қуён тез кўпаяди, даромади ҳам...

Узоқ йиллар мактабда ёшларга илм бериб, ҳозирда Норин тумани Ҳаққулобод шахрининг Яйдоқ маҳалласида кексалик гаштини сураётган Рустамжон Мўминов маҳалласида биринчилардан бўлиб қуён боқишни йўлга қўйган.

Биласиз, қуён тез кўпаяди, ҳар ойда ўртача 7-8 тадан болалади. Янги туғилгани беш ой ичида она қуёнлар сафига қўшилади. Бу битта қуён йил охирига бориб 40 тадан ошиб кетади, дегани албатта. Гўшти парҳезоб, мўйинаси ва териси ҳам харидордир. Ота-она изидан борган фарзандлар ҳар ойда кўпайиб, оила бюджетига мўмай даромад киритаётган жониворларга меҳр қўйиб қолганлиги ҳам бежиз эмас. Улар ўқувчилик чоғиданоқ маҳалласида жойлашган туман "Дехқон бозори"да қуён сотишни бошлади. Мактабдан кейин туқилган пешона тери эвазига топишдан бундай даромаддан, китоблар, компьютер, кейинчалик велосипед ҳам сотиб олиб ўртоқларининг ҳавасини келтирди.

Пойтахтдан олий маълумотли мутахассис бўлиб қайтган тўнғич ўғил Фаррухбек укаси Темурубек билан кўнчилик йўналишида фаолият бошламоқчи эканлигини айтиб, ота дуосини олди. Интернетдан маълумот қидириб, Бухородан икки жуфт "Фландер" зотли она қуёни олиб келди ва зотдор жониворлар парваршишга асос солди.

Кўп ўтмай Тошкентлик мутахассис Элмурод Ортиқбоев (ҳозирда Ўзбекистон насли қуёнлар етиштирувчилар ассоци-

ацияси раиси) ҳамда Мансурбек Зайнобиддиновлар билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Қозғистонлик машҳур қуёнбоқар Андрей Усовнинг маслаҳатлари асосида фаолиятини кенгайтди. Уларнинг кўмагида хориждан келтирилган энг наслдор она қуёнларнинг боқувини йўлга қўйди. Президентимиз томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўлида қабул қилинаётган фармон, қарорлар, яратиб берилаётган имконият ва шарт-шароитлар ака-ука шижоатида қанот бағишлади. Тез орада уларнинг Норин тумани ҳокимлигига ёзган аризаси қаноатлантирилди. 1,2 гектар ер, банк томонидан кредит ажратиб берилди. Натижада қуёнчилик йўналишидаги "Омадбек Бўстони" фермер хўжалиги ўз фаолиятини бошлади.

Янги соҳага қўл урган норинлик ака-ука Фарухбек ва Темурубекларни вилоят, туман ҳокимлиги ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Нориннинг "Еттиқашқа" МФЙ ҳудудида, шунингдек, қўшни Уйчи ва Учқўрғон туманларида наслчилик, гўшт, мўйна етиштиришга, ем ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий фермаларни қуриб, фойдаланишга топшириш учун қиймати 1 миллиард 200 миллион долларлик лойиҳа тайёрланди.



– Шу кунгача пайвандчиларимизнинг саъй-ҳаракати билан 700 та зотдор она қуёнга махсус қафас тайёрлаб қўйдик. Кредит маблағини олишимиз билан яна 5000 та қуён парварши қилинадиган 12x20 метр ҳажмдаги иккита бино, ем ишлаб чиқариш ҳажми барпо этамиз ва Россиядан келтириладиган замонавий қурилмалар билан жиҳозлаймиз. Унда жорий йилнинг биринчи чорагида олиб келиниши режалаштирилаётган 2450 та наслчилик, гўшт, мўйна йўналишидаги "Бургундия", "Калифорния", "Рекс", "Хикол" зотли қуёнларни кўпайтиришни йўлга қўямиз. Ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилнинг

охирига бориб зотдор она қуёнларнинг сони 15000 тадан ошиб кетади. 60 та янги ишчи ўрни яратилади, – дейди "Омадбек Бўстони" фермер хўжалиги раҳбари Темурубек Мўминов.

Ўзи ёш бўлсада, кўпчиликка бош бўлаётган Темурубекнинг қўлга киритаётган ютуқлари муносиб тақдирланганидан ҳам хабар топдик. У 2019 йилнинг 28 июнида Президентимиз фармонига кўра, "Мард ўғлон" давлат мукофотига муносиб, деб топилди. Тадбиркор ўғлоннинг келгуси ишларида ҳам омад тилаймиз.

**Равшанбек МИРЗОЛИМОВ,**  
"Qishloq hayoti" мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

### МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИГА ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШГА ТАКЛИФ

"Ўзмелиомашлизинг" давлат унитар корхонаси ўзининг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятининг натижаларини йиллик мажбурий аудит текширувидан ўтказишга, аудит ташкилотлари ўртасида танлов ўтказишга конкурс эълон қилади.

Аудиторлик ташкилотлари қуйидаги талабларга мос бўлиши зарур:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аудиторлик фаолиятини амалга оширишга берилган лицензияга ва фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш полисига эга бўлиши;
- устав жамғармасида давлат улуши 50% дан кўп бўлган корхоналарда ташкилот аудит ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари рўйхатида бўлиши;
- бирик корхоналарда, шу жумладан, лизинг ташкилотларида ҳам, аудит хизматлари ўтказиш тажрибаси бор ва етарли малакадаги ходимлар бўлиши.

Конкурсда қатнашиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ▶ талабгор аудиторлик ташкилотининг лицензияси ва зувчономаси нусхаси;
  - ▶ талабгор аудиторлик ташкилотини раҳбари ва аудиторларининг амалдаги малака сертификатлари нусхаси.
- Аризалар, кўрсатилган аудиторлик хизматлари учун туланадиган қиймат белгиланган ҳолда, қуйида кўрсатилган манзилда 2020 йилнинг 29 февраль, маҳаллий вақт билан соат 16:00 гача бўлган муддатда қабул қилинади.

Юзага келадиган саволлар юзасидан (+99878) 150-36-11 телефон бўйича, шабна ва якшанбадан ташқари, соат 9:00 дан 16:00 гача мурожаат қилиш мумкин.

Белгиланган вақтдан кейин тушган аризалар эътиборга олинмайди.

"Ўзмелиомашлизинг" ДУК маъноси: 100 000. Топшант шахси Мирзо Улуғбек тумани Зиялилар кўчаси-1. Телефон/факс: (+998971) 239-46-24.

Сирдарё вилояти

Гулистон тумани барча тармоқларни кўнгилдагидек ташкил этиш учун жуذا қўлай географик ҳудудда жойлашган. Туман ҳудудидан Сирдарё дарёсининг оқиб ўтганлиги, чегаравий жиҳатдан Тошкент вилоятига яқинлиги, қолаверса, қатор ҳудудларнинг Гулистон шахрига туташиб кетганлиги ҳам бу ерда саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалигини жадал тараққий эттириш, янги сайёҳлик манзилларни барпо этиш имкониятларини янада кенгайтиради. Бу қўлайликлардан тўла қувватда фойдаланилганида туман аллақачон Сирдарё, Мирзаобод туманлари каби иқтисоди барқарор ўсаётган, саноат, қурилиш ривожланган, экспорт салоҳияти ошган туманлардан бирига айланиши мумкин эди.

Маҳаллий ишлаб чиқаришнинг фақат кичик бизнес эвазига ўсиши, савдо, хизмат кўрсатиш тармоқларининг ривожланиб, энг муҳим ишлаб чиқариш соҳалари шубҳасиз туманда экспорт ҳажми ўсишига салбий таъсир кўрсатаётди. Давлатимиз мурожаатномасидаги таклиф ва тавсиялар, беш йилликларга хизмат қиладиган дастурлар туманда йирик лойиҳаларни амалга ошириш, экспорт ҳажмини кўпайтиришни, ҳудудда вальюта олиб келишни тақоза этади.

Гулистон туманида ўтган йил дон сотиш шартномавий режаси 113, 2 фоизга бажарилгани ҳолда пахта тайёрлаш режаси 93,5 фоизда қилиб кетди. Ғўза парваршида, ҳосилга ҳосил қўлишида қатор фермер хўжалиқларида етарлича омилкорлик кўрсатилмаганлиги натижасида шартномавий режа бой берилди. Кўз жуذا саховатли келганига қарамай туманда режадаги 17 минг тонна ўрнига 15959 тонна пахта тайёрланди.

## ДЕПСИНИШ

ГУЛИСТОН ТУМАНИДА ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ, САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БУГУНГИ КҮН ТАЛАБЛАРИДАН ОРҚАДА ҚОЛАЁТИР

Ҳолбуки, экин майдонлари унумдорлиги паст, гипс қатламли Мирзаобод. Ховос туманларида режалар ошириб бажарилгани ҳолда Гулистон туманининг қопқоқликка юз буриши бу лоқайдлик, тажрибасизлик, масъулиятсизликдан бошқа нарса эмас. Қўлдан ноқулай келди, ҳосилимиз хашаротга бой берилди, дейдиган, омилкорлик ўрнига баҳоналарни рўқач қиладиган замонлар аллақачон ўтиб кетди. Гектарлар самарадорлигини ошириш, пахтачиликда янги инновацияларни жорий этиш энг долзарб вазифа этиб қўйилган, техника, ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари таъминотида узлишлар бўлмаган шароитда режаларни ба-

жармасликка, баҳона излашга ҳеч бир раҳбар, фермернинг ҳақи йўқ. Очиғини айтганда, туманда 15 йиллар олдин қурилган битта пахта тозалаш заводини ҳисобга олмаганда фаолият кўрсатаётган йирик корхонанинг ўзи йўқ. Қийим-кечак ишлаб чиқаришга мўлжалланган, 480 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланадиган "MISS MILEDI" тикувчилик корхонасининг ишга туширилиши эса икки йилдан бери чўзилапти. Мутахассисларнинг айтишича, "Ибрат" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ушбу фабрикага эндигина тикув машиналарини келтириш лойиҳалари қўрилаётган экан. Йирик лойиҳалар амалга оширилмаганли-

ги, туман иқтисодиёти бир томонлама ривожланиш йўлидан бораётгани сабабли 2019 йилда белгиланган йирик лойиҳалар доирасида 219 та ўрнига 30 та янги иш ўринлари яратилди, холос.

"Обод қишлоқ" дастури бўйича туманда 2019 йилда "Оқолтин", "Бирлашган", "Боёвут" маҳалла фуқаролар йиғинлари марказий кўрғонларини ободонлаштириш кўзда тутилган

эди. "Оқолтин" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда дастурга кирган 8-мактабга таълим муассасасини реконструкциялаш ишлари 70 фоизга бажарилган. "Обод қишлоқ" дастури бўйича "Бирлашган" маҳалла фуқаролар йиғинида электр тармоқларини тортиш ишлари 80 фоизга бажарилган. Кўрғондаги 14-МТМни реконструкциялаш бу ерда ҳам 70 фоизга удаланган.

Туманда аҳоли мириқиб дам оладиган, бўш вақтларини кўнгилли ўтказадиган истироҳат боғи, қишик клуб йўқ ҳисоби. Бир вақтлар машҳур санъаткорлар келиб катта концертлар берган қишик клубнинг ўриндиқлари аввал арзимagan сарик

чақага сотиб, йўқ қилиб юборилди. Кейин эса клубнинг ўзи ҳам хусусийлаштирилиб, сотилди. Биноийдек таъмирлаб, дам олиш масканига айлантириш мумкин бўлган собиқ маданият клуби ҳозир тадбиркор томонидан қурилиш материаллари билан савдо қиладиган шаҳобчага айлантирилган. Ана ишбилармонлиги, мана маданият сизга! Савдо, қурилиш дўконларидан жарақ-жарақ пул келиб турганида одамлар дам оладиган, санъаткорлар концерт берадиган клуб Гулистон туманида кимга керак ўзи?!

Тумандаги 71 минг 260 нафар аҳолининг 21 минг 148 нафарини ёшлар ташкил этгани ҳолда (ўларнинг 60 фоизи мактаб ва коллежаларнинг ўқувчилари ҳам дейлик) уларнинг ишга, касбий ўқувига йўналтирилганлари 3029 нафаринигина ташкил этаётгани, 2019 йилда белгиланган "Ёшлар – келажагимиз" жамғармаси маблағлари ҳисобидан 131 ўрнига бор-ўйи 12 та иш ўрни яратилганлигини қандай баҳолаш мумкин? Айтинг, айтинг, ишчилик, туман раҳбарлари эскича иш услубидан воз кечиб, Президентимиз ҳокимлар олдига қўяётган талабларини бажарадиган бўлишин-да! Бўлмасам, 2020 йилда ҳам туманда йирик лойиҳалар амалга ошмай, ишсизлар бандлигини яна таъминламоқчи ҳеч гап эмас-а?!

Бозорбой БЕКМУРАДОВ,  
"Qishloq hayoti" мухбири.



Фаровон турмуш истаги  
Сай-ҳаракатимизга боғлиқ



Филология жамият фалсафаси, одобномаси,  
дунёқарашлар ифода усулидир

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

# "Камбағаллик айб эмас"...ми?

**Бу сарлавҳани ўқиган зукко газетхонларнинг аксарияти "Камбағаллик айб эмас" деган машҳур иборани эслаши ва дарҳол "Йўқ!" дейиши мумкин. Балким адашарман, лекин фикри ожизимча, бу "ҳикматли" гап аслида ўзбекча эмас.**

Атоқли рус драматурги Александр Островскийнинг шу номли комедияси (Бедность-непорок) борлигини адабиёт ва санъат мухлислари яхши билади. Совет даврларида ушбу спектакль ўзимизнинг театрларда ҳам кўп ўйналган. Кейин эса нимагадир Россиянинг ўзида ҳам, бизда ҳам сахнадан тушиб кетди. Сабаби... эҳтимол уни илк бор томоша қилган киши номидаги илҳомда аччиқ истеҳзо муассасма эканини дарҳол англаши билан боғлиқдир. Чунки совет даври ва ундан кейинги йиллар давомида ушбу кино аҳолининг каттагина қисми учун мутлақо жиддий, ҳаётий шiorга айланган эди. Оқибатда кўпчилик бунга ишонди ва тақдирга тан берди...

Хайриятки, Мустақил Ўзбекистоннинг бугунги раҳбари мамлакатимиз аҳолисининг 12-15 фоизи камбағал эканини очик-ошкора айтиб, аҳолини ўнглаш чораларини кўришга бел боғламоқда.

Лекин шу ўринда кўнглимиздан "агар ана бу иш ақалли 10-15 йил олдинроқ тан олиниб бошланганида қандай яхши бўларди-я", деган армонли фикр ўтади. Афсуски, бу армонлардан энди наф йўқ. Академик шоиримиз Гафур Ғулوم: "агарни магарга қилсалар никоҳ, бир фарзанд тугилгай номидир - "кошки", деб ёзган эди.

Ана энди ҳолисона ўйлаб кўрайлик: бу муаммони ҳал этиш осонми? Маълумки, ер юзи халқлари бу "касал"ни энгил учун юз йиллардан бун тинимсиз изланиб, уриниб келмоқда. Нафсиламбрини айтганда, дунёдаги аксар муаммолар кўп жиҳатдан айнан шу уринишларга бориб тақалади.

Фалсафа ва сиёсий иқтисод тарихидан озми-кўпми хабардор кишилар биладилар, 19 асда яшаган Европалик файласуф Пьер Жозеф Прудон "Қашшоқлик фалсафаси", деган бир асар ёзиб, ўзича халқларни камбағаллик исканжасидан тинч-тотувлик билан қутқаришнинг йўллари кўрсатиб беришга уринган. Лекин ўша чоғларда эндигина сиёсат майдонига кириб келаётган Карл Маркс филҳол унга қарши "Фалсафа қашшоқлиги" китобини ёзди. Ва айтилди, бу муаммони тинч, тотувлик билан ечиб бўлмайди: камбағалликни бар-тарafd этишнинг энг тўғри йўли - бойларни газавот қилиб, мол-мулкни йўқсилларга олиб бериш керак! Бу йўл газабнок оломон учун жозибали эди. Ҳарчанд қонли бўлмасин, шу йўл танланди. Ҳолбуки...

Германиялик яхудий бухгалтернинг ўз ошниси Фридрих Энгельс билан Мюнхен шаҳридаги қовоқхоналардан бирида пиво ичиб ўтириб, кайф устида ўйлаб топган ушбу "қашфиёт"и аслида инсоният тарихи учун у қадар фавқуллодда янгилик эмасди. Қароқчилик, босқинчилик, бировлар мулкига тажовуз ер юзиде қадимул айёмдан бун кенг тарқалган. Робин Гудлар, Айвенголар, Степан Разин, Емельяна Пугачёвлардан бошлаб, ўзимизнинг Намоз ўғриларгача бу ишни роса "қойиллатишган". Бойлардан тортиб олинган мол-мулк, ноз-неъматларнинг қаймоғи ўғрибошиларга тегиб, қолгани қашшоқ аҳоли ўртасида гўёки "адолатли" тақсимланган. Карл Маркс бун ўзича илмий асослади ва таълимотга айлантирди, ҳолос. Террорчи аксининг қатли

учун подшоҳ оиласида шахсий хусумати бўлган Владимир Ульянов (Ленин) эса бу таълимотни камбағал-қашшоқлик авжига чиққан, мустамлакачи Россия мамлакатиде муваффақият билан амалга оширди.

"Йўқсин бойлар, яшасин камбағаллар!" дея ҳайқирди у ва мазлум йўқсилларни қонли инқилобга бошлади. Бойлар йўқолди, камбағаллар эса яшадилару лекин камбағаллигича қолдилар. Чунки асли

**Дунё иқтисодиёти мутахассисларининг фикрига кўра, шахсий эҳтиёжлари учун бир кунда камида 2 доллар харж қилиш имконига эга бўлмаган одам камбағал, 1 доллар ҳам ишлата олмайдигани эса қашшоқ ҳисобланар экан. Албатта, булар дунё нархларидан келиб чиқиб, белгиланган рақамлар. Камбағаллигу қашшоқликнинг халқаро меъёрлари билан бир қаторда маҳаллий шароитлардан келиб чиқадиган миллий ўлчамлари ҳам мавжуд, албатта.**

ушбу таълимоту шiorнинг ўзи нотўғри эди. Бойларни эмас, камбағалликни йўқотиш керак эди. Инқилобдан сўнг барча бойлик гўёки давлат ихтиёрига ўтган бўлса-да, амалда унга бир ҳовуч бюрократ амалдорлар эгаллик қилар, аҳоли кўп учиде рўзгор тебратарди.

Буни Ғарбу Шарқдаги аксар етакчи давлатларда тушунишди. Прудону Маркслар илҳомларини оқибдан таҳлил қилиб, камбағалликни йўқотишга, шу асосда мамлакатни тараққий эттиришга қаратилган қатъий йўлни белгилаб олишди. Бу йўлнинг нечоғлик тўғри эканлигига ёрқин мисол шу бўлдики, Иккинчи Жаҳон урушида энгилган, вайрону абор бўлиб, аҳолисининг катта қисми қирилиб кетган Германия, Япония сингари давлатлар тарихан қисқа даврда яна қаддини тиклаб, халқининг тинч, тўқ ва фаровон ҳаётини таъминлашга эришди.

Ғолибу музаффар советлар мамлакати халқининг эса сира касоси оқармади. Бунинг сабаби аввал бошиданок маълум эди.

Шу ўринда советлар даврида машҳур бўлган бир латифа келтириш истаги туғилди. Хориждаги юксак ривожланган бой давлатларнинг биридан келган тадбиркорлардан совет журналистлари: "Сизлардаги ҳолат билан биздаги аҳолининг фарқи нимада деб ўйлайсиз?", дея сўрашибди. "Фарқи шуки, бизда ўнта бой киши ўзларига маҳалладош битта камбағални "қандай қилиб бойитсак ва ўз сафимизга қўшиб олсак экан, токи бизга ноқулай бўлмасин", деб беш қотиришди. Сизларда эса ўн камбағалдан битта бой чиқса, тўққиз нафари шу бойнинг бойлигини талон-тарож этиб, яна ўз сафларига қайтариш йўлини излар экан", дея жавоб берибди тадбиркор.

Алданган камбағаллар тақсимотчиликка асосланган янги жамият баковулларининг асл мақсадини англаб олиши учун салкам саксон йил керак бўлди ва...

Охир-оқибат коммунистик бюрократиянинг ўзини ҳам ағдардилар. СССР тарқалди, мустамлака республикалар мустақил бўлди. Аммо камбағаллик йўқолмади.

Хўш, бугун биз камбағал деганда кимни тушунаемиз?

Дунё иқтисодиёти мутахассисларининг фикрига кўра, шахсий эҳтиёжлари учун бир кунда камида 2 доллар харж қилиш

имконига эга бўлмаган одам камбағал, 1 доллар ҳам ишлата олмайдигани эса қашшоқ ҳисобланар экан. Албатта, булар дунё нархларидан келиб чиқиб, белгиланган рақамлар. Камбағаллигу қашшоқликнинг халқаро меъёрлари билан бир қаторда маҳаллий шароитлардан келиб чиқадиган миллий ўлчамлари ҳам мавжуд, албатта.

Ҳа, айтганча, бугунги кунда камбағалларнинг асосий қисмини собиқ СССР таркибиде яшаган халқлар, шунингдек, Осиё ва Африкадаги энг қоқоқ давлатлар аҳолиси ташкил этаркан.

Кўпчилик ватандошларимиз сингари бизга ҳам Ўзбекистондек саркув, тупроги зар, суви гавҳар, ер остию ер усти бойликлари беҳаду беҳисоб, аҳолиси оқилу доно, меҳнатқашу заҳматқаш, тадбирқору намудор мамлакат аҳолисининг 5 миллиондан

зиёд қисми камбағал яшаётгани жудаям алам қилади. Нега? Нима учун? Қандай қилиб? Риторик саволлар қошида ўйларга толамиз ва уларга маънили жавоб қидирамиз. Илмий, ижодий давраларда ўзаро баҳс-лашамиз, мунозара юритаемиз.

Билимдон бир биродаримиз бизга шундай тасалли бермоқчи бўлади: "Хўш, нима бўпти, 12-15 фоиз даҳшатли рақамлар эмас? Африканинг баъзи мамлакатларида аҳолининг 75 фоизи ҳалиям қашшоқликда яшайди, бизда аҳоли анча яхши экан, шукру қилайлик!"

Албатта, ўзимиздан пастроқ, бадтарроқ ҳолатга қараб, мавжуд аҳолга шукру қанот қилмоқлик чин мусулмонга хос бебаҳо фазилат. Бироқ бу биздан эллик-юз йил илгарилаб кетганлар аҳолига ҳавас билан қараб, маррани имкон қадар баланд олишга асло монельлик қилмайди. Ҳамонки, буюк ўтмишимиз, аждодларимиз эришган уфғор натижалар билан фахрланишга одатланган эканмиз, ўрнимизни жаҳондаги энг мутараққий, бой мамлакатлар ҳамда уларнинг тўқ, бой-бадавлат халқу миллатлари сафиде кўришга интилишимиз шарт эмасми? Бунинг учун "оч қорним - тинч қулгим", "яримта нон - ҳузурни жон" сингари камбағалона мақолу ҳикматларни ҳам сал ўзгартириш мавриди келмадимикан? Камтарлигу камсуқумлик, фақир ҳақирлик ҳам эи билан ахир.

Иккинчи закий ҳамсуҳбатимиз бу осон эмаслигини, ялли ички маҳсулот ўсиш фоизлари ҳали етарли эмаслиги, аҳоли сонни ҳар икки йилда бир миллионга қўпаяётгани билан изохлашга уринади.

Яна бир олим биродаримиз камбағалчиликнинг туб илдиэларини салкам бир ярим асрлик мустамлакаасоратлари билан боғлайди.

Тўғри, аҳолининг анча қисмидаги қуллик руҳияти, кўрқув ва мутелик туйғуси сақланиб келмоқда. Буларга кейинроқ дард устига чиплон бўлиб қўшилган яна бир хавфли иллат бор: бу - тушунлик ва чорасизлик оқибатидаги қоқайдлик. Хуллас, муаммони ечишга тўсиқ бўладиган омиллар бир талай.

Ва, ниҳоят шунча гапдан кейин: "Хўш, дунёдаги ривожланган мамлакатлар бу муаммони қандай ҳал этишган, бунинг бирор тайёр режага андазаси борми?"

деган ҳақли савол тугилиши табиий. Бор, албатта.

Ҳар қандай тайёр андоза ҳам конкрет давлатнинг мавжуд маҳаллий шарт-шароитларига мувофиқ келган тақдирдагина кўзланган натижани бериши мумкин. Жаҳондаги мутараққий мамлакатларда, айтилик, бун асосан, иқтисодиётни диверсификация қилиш, меҳнат унмудорлигини ошириш, барча тармоқларда янги технологияларни жорий этиш ҳисобига қиймати баланд маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ҳоказолар эвазига ялли ички маҳсулот миқдорини барқарор суръатда кўпайтириш ва аҳоли сонини режалаштириш ҳисобига эришилган. Узоққа бормасдан бир ярим миллиард аҳолига эга бўлган Хитойнинг ушбу соҳада амалга оширган ибратли тажрибаларини ўрганиш мумкин ва ҳоказо. Қолаверса...

Ўзбекистоннинг ўзида ҳам бу борадаги сай-ҳаракатлар аллақачон бошланган. Иқтисодиётни тубдан диверсификациялашга, ялли ишлаб чиқариш соҳа ва тармоқларини кескин кенгайтиришга киришилди. Қишлоқ хўжалигида пахта яккахоқимлигига барҳам берилмоқда. Интенсив, ялли, катта ер майдони, кўп харажат ва иш кучи сарфи эвазига маҳсулот етиштириш тажрибасидан қатъиян воз кечилиб, интенсив услубларга ўтиломоқда. Айниқса...

**Давлат умумтаълимида ихтисослаштирув бугунги ислохотлар даврининг энг эътибор жалб этиладиган томонларидандир. Зотан, боланинг мактаб давридан маълум бир соҳага ихтисослашуви ёш авлоднинг келажақда маълум бир соҳада етук мутахассис бўлиб етишишига кафолатдир.**

## Филология – фанлар воситаси

Маълумки, филология фанлари ижтимоий аҳамияти билан барча соҳадаги инсонлар фаолиятида, ҳаётида бир умр асқотадиган фанлардир. Ҳаётимизда бу фанлар мисоли боғловчилик хизматини бажаради. Шунингдек, филология жамият фалсафаси, одобномаси, дунёқарашлар ифода усулидир.

Бугун жамиятимиздаги ислохотлар даврида шу соҳадаги фанларнинг ўрни янада сезилмоқда. Хусусан, кун сайин аҳолининг кенг қатлами, айниқса, ёшлар эътиборини ўзига оҳанрабодек тортаётган интернет, унинг ижтимоий тармоқлари саҳифаларида бундай эҳтиёж яққол сезилмоқда. Бугун юртимизда эркин сўз айтиш имкониятидан фойдаланган

ёшларимиз жамият муаммоларига оид ўз фикрларини баён этар эканлар, уни ифодалашда қийналишмоқда, хатоларга йўл қўйишмоқда. Ижтимоий тармоқларда ўз фикрларини баён қилаётганлариде мантиқ, адабиёт, тил борасида саводхонлик етишмаслиги яққол сезилмоқда.

Демак, филология фанларини ўқитишда умумтаълим мактаблари, айниқса, шу фанларга ихтисослашган мактаблар педагогларининг олдидаги масъулият янада ошмоқда.

**Муассар МАҲМУДОВА,**  
Халқ таълими вазирлиги тасарруфидеги Филология фанларига ихтисослаштирилган Давлат умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси.

### РЕКЛАМА

МАХАМ-CHIRCHIQ

Нитрат магний тўлиқ сувда эрийдиган ўғитдир. Иссиқхона ва очик тупроқда суғоришда ва илдиэдан ташқари ўғитлаш учун қўлланилади. Ўсимлик баргларида магний нитратни пурқаш, уларда бир пайтнинг ўзиде азот ва магний танқислиги пайдо бўлганда, тавсия этилади!

ТАРКИБИДА 14,5% МАГНИЙ ОКСИДИ ВА 10% ЎСИМЛИК ЎЗЛАШТИРАДИГАН НИТРАТЛИ АЗОТ МАВЖУД

Махам-Чирчиқ АЖ Манзил Ўзбекистон Республикаси. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Тошкент кўчаси 2-уй. Тел.: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08. Факс: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57. info@maxam-chirchiq.uz, www.maxam-chirchiq.uz

### ЭЪЛОНЛАР

"FERON LEASING" MOK Плен 2019 йил август даври учун яқиди текширувдан ўткази бўйича Аудиторлик тақдиротларида ўз таълифлари билан 28 февраль 2020 йил охи 19:40 гача мурабат қилишларини сўрамоқда. Тел.: (78) 150-40-30, (78) 150-40-29.

"TADBIKORLIK SUBYEKTLARINI DAVLAT RO'YATIDAN O'TKAZISH INSPEKSIYASI" da riykatta olingan "AZIYA PROFTRANS" MOKga tegishli bir dona dumalak mур йўқлангани муносабати билан беқор қилинди.

Спешкор т. "YAGONA DARCHA MARKAZI" томонидан рiykatta olingan "ABDURAHMANOV DILMUROD MUXITDINOVICH" ЯТТга tegishli bir dona dumalak mур йўқлангани муносабати билан беқор қилинди.

**Qishloq hayoti**  
O'zbekiston Respublikasi  
ijtimoiy-ogilobodiy gazetasi

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидеги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**Бош муҳаррир – Чори ЛАТИПОВ**

**Тахрир хайъати:**  
Жамшид ХУҲАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ,  
Бакридин ЗАРИПОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ,  
Муҳаммадҷон ТОШБОЛАЕВ,  
Абдурауф АБДУЛЛАЕВ, Ақтам ХАИТОВ,  
Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР.

**Ҳабиб ТЕМИРОВ** – Бош муҳаррир ўринбосари  
**Раимқул СУЯРОВ** – Бош муҳаррир ўринбосари

**Телефонлар:** Қабулхона – 236-26-50,  
Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.  
**Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** – 233-76-78,  
Факс – 233-44-43, 233-09-93.  
**Реклама ва эълонлар** – 236-26-50, 233-28-04.  
**web sayt:** www.qishloqhayoti.uz  
**e-mail:** info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рiykатдан ўтказилган. Бунортма Г-225, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер **Марк ЮСУПОВ** томонидан саҳифаланди. 5.136 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144 Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 23.50

ISSN 2010-7023

Навбатчи муҳаррир: **А.ҲАҚБЕРДИЕВ**